Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

4 август, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 149 (1151)


# ЮРТИМ, ИСТИҚЛОЛИНГ ТО АБАД БЎЛСИН, ТОЛЕИНГ ҚУЁШИ МАНГУ ПОРЛАСИН!

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика халқ хўжалиги ҳамда аҳолисининг юк ва йўловчилар ташиш эҳтиёжини қондиришдаги фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:**

**БАКДУРДИЕВ Сайилхан** — Урганч темир йўл ва иншоотлари хизматининг йўл устаси

**ВАЛИЕВ Рустам** — Бухоро бўлими Самарқанд алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси Улуғбек бекатининг электрмеханиги

**ҚОРАБОЕВ Қўчқор** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг чилангари

**КУЗНЕЦОВ Виктор Яковлевич** — Тошкент тепловоз депосининг чилангари

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**АКРАМОВА Одинахон Толиповна** — Фарғона бўлими Қўқон бекатининг навбатчиси

**ҚОДИРОВ Рафиқ Сатторович** — Фарғона бўлими Қўқон локомотив депоси йўловчилар ташиш тепловози машинисти

**КАРАХИН Александр Семёнович** — Компаниянинг электр таъминоти хизмати бошлиғи

**КАРИМОЛЛАЕВ Бахитбай** — Оролбўйи бўлимининг электр таъминоти Қўнғирот дистанциясининг электр монтери

**КУЗИН Анатолий Васильевич** — Компаниянинг поездлар ҳаракатини бошқариш бўйича ягона диспетчерлик марказининг поезд диспетчери

**МАҚСУДХЎЖАЕВ Икром Ёдгорович** — Тошкент бўлимининг хавфсизлик бўйича бош тафтишчиси

**ЦОЙ Адольф Григорьевич** — Сирдарё рефрижератор вагонлар депосининг созловчи-электриги

**ЭШОВ Ваҳоб** — Қарши вагон депоси корхонасининг назоратчиси

**ЭМУРЛАЕВ Экрам Рустамович** — Тошкент бўлими Ҳамза бекатининг поезд тузувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 август.



*Чустлик Мукаррамхон Хўжаевани Америка Қўшма Штатларининг Рино шаҳридаги Невада университетида таҳсил олади, деб ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Ўтган йили мактабни олтин медал билан тугаллаган қиз хорижга отланди. Ҳозир у университетнинг иқтисод факультетида ўқияпти. Олти тилда сўзлаша олади.*

*СУРАТДА: Мукаррамхон Хўжаева.*

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Нукусда Қорақалпоғистон фаоллари йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил биринчи ярмида иқтисодийислоҳотларни амалга ошириш ва уларни янада ривожлантиришга бағишланган йиғилишида мамлакат Президенти Ислом Каримов ўртага қўйган вазифалар муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёзов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда муайян ютуқларга эришгани қайд этилгани ҳолда бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезроқ бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш борасидаги вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков йиғилишда нутқ сўзлади.

* * *

Жиззахда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил пахта йиғим-терим мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими А. Тошкенбоев йиғилишда сўзга чиқиб, пахтакорлар олдида турган долзарб масалаларга тўхталди.

* * *

Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ходимларининг Иштихон туманида бўлиб ўтган йиғилиши ҳам ана шу масалага бағишланди. Йиғилишда вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов сўзга чиқди.

* * *

Гулистонда Сирдарё вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда юртбошимиз Ислом Каримовнинг вилоят ғаллакорларининг улкан ғалабаси муносабати билан йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Сўзга чиққанлар табрик деҳқонлар меҳнатига берилган юксак баҳо эканини таъкидлаб, вилоят ғаллакорлари республикамизнинг дон мустақиллигига эришишига салмоқли ҳисса қўшиш йўлида куч-ғайратни аямасликларини изҳор этдилар.

Вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов республика Вазирлар Маҳкамасининг йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва уларни янада ривожлантиришга бағишланган йиғилишида Президент Ислом Каримов ўртага қўйган вазифалар, вилоятда ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олиш якунлари ҳамда ғўза парваришини жадаллаштириш ва пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўриш тўғрисида маъруза қилди.

**(ЎзА).**

*• «Халқ сўзи»нинг байрамолди анкетаси*

## ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ БАЙРОҒИМИЗ БЎЛСИН

***1. Сиз ва жамоангиз истиқлол байрамини қандай кутиб олаяпсиз?***

***2. Мустақилликнинг тўрт йили мобайнида рўй берган қайси ўзгаришларни таъкидлашни истардингиз?***

***3. Истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, ислоҳотларни муваффақиятли якунлаш учун бундан буён нималарга эътибор бериш керак, деб ҳисоблайсиз?***

**Ҳазратқул ҲАСАНОВ, Сурхондарё вилояти, Узун тумани ҳокимининг ўринбосари, туман истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси бошлиғи:**

1. Ўтган тўрт йил давомида мустақиллик туйғуси барқарорлашди. Истиқлол манфаатлари учун ўзини фидо қиладиган одамларнинг кўпайиб бораётганлиги кишининг кўнглини кўтаради. Бундай ҳолатда одам оёғини ерга маҳкам қўйиб ишлайди. Меҳнатининг унуми ҳам, баракаси ҳам бўлакча бўлади. Баъзан таъминотдаги тақчилликлар ҳақида гапиришади. Хўжалик бошқарувидаги тизимлар ўзгараётган бир пайтда муваққат тақчилликлар муқаррардир. Ана шунинг учун ҳам бундай бўҳронларни дадил қадам отишга отланган одамнинг бир лаҳзалик сукунатига қиёс қилгим келади. Хуллас, мен ана шундай деб ўйлайман. Кайфиятимизнинг баландлиги шундан.

2. Туманимиз қўшни Тожикистон билан чегарадош. Алоқаларимиз ҳам худди олдингидай — борди-келдилар тўхтагани йўқ. Ва шу боис бу мамлакат фожиасини чуқур англаймиз. Марказий Осиё мамлакатларидаги вазиятдан ҳам оммавий ахборот воситалари орқали хабардорман. Шунинг учун айтаманки, мустақиллик мамлакатимиздаги ижтимоий барқарорликни таъминлаган энг катта манба бўлди. Чунки, тинчлик бор жойда ёруғ ниятлар туғилади ва уларни хотиржамлик билан ижро этмоқ мумкин.

Истиқлолнинг неъматларидан бири сифатида хусусийлаштириш ҳаракатининг муваффақият билан давом этаётганлигини таъкидлашни истардим. Қисқа вақт ичида туманимизда мулкчиликнинг нодавлат йўлига ўтиш ҳаракати муваффақият билан амалга оширилди. Ҳозир жамоа хўжаликлари ширкатлар уюшмаларига айлантирилмоқда. Бундан ташқари, 250 дан зиёд ташкилот ва корхоналар мулкчиликнинг хусусий йўлини танлаб, юрт ободлиги, халқ фаровонлигини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда. Қисқа пайт ичида мулкчиликнинг хусусий шакли жамият асосини ташкил этишига шубҳа йўқ. Чунки, Президентимиз танлаган йўл — халқ йўлидир.

Яна: биз деҳқонларга ер беряпмиз. Бунинг натижаси дастлабки йилиёқ самара бермоқда. Чунончи, бу йил Сурхондарёда полиз, сабзавот маҳсулотлари бултургидан ва бошқа жойлардагидан сезиларли даражада арзон. Чунки маҳсулот кўп, сифати яхши. Ваҳоланки, бундан беш-олти йил илгари деҳқоннинг ерга хўжайинлиги ҳақида ҳатто хаёл қилиб, ҳам бўлмас эди. Шундай қилиб, мулкка муносабат тубдан ўзгармоқда ва бу истиқлол манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

3. Иқтисодий ислоҳотларнинг тўғаноқлари йўқ эмас. Тармоққа раҳбарлик қиладиган кўпгина «оралиқ» ташкилотларнинг раҳбарлари хусусийлаштиришнинг йўлига ғов бўлиб туришибди. Чунки асосий воситалар хусусийлашса, уларнинг мартабасига путур етади-да. Молиявий муносабатларда жаҳон андозаларига иложи борича тезроқ ўтишимиз керак. Чет элнинг илғор технологияси Ўзбекистонга жуда сустлик билан кириб келяпти. Бунинг сабабларини ўрганиб, уларни зудлик билан ҳал этиш керак. Тўртинчидан, банк тизими чуқур ислоҳотларга муҳтож. Биз ҳаммамиз ишни шундай ташкил этишимиз керакки, Ўзбекистон манфаати асосий байроқ бўлсин.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Т. РАЗЗОҚ ёзиб олди.**

## НАВОИЙ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Навоий вилояти ғаллакорлари ғалаба қучдилар: давлат хирмонига белгиланган 30 минг тонна ўрнига 31 минг тоннадан ортиқ дон тўкилди. Бу ўтган йилгидан 15 минг тонна кўпдир. Меҳнат муваффақиятига гектар бошига 30-33 центнердан ҳосил кўтарган Хатирчи, Навоий, Конимех туманлари ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшди.

**(ЎзА).**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Риштон туманидаги М. Келдиев номли жамоа хўжалигида Фарғона вилояти қишлоқ хўжалиги ходимларининг йиғилиши бўлди.***

Унда Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов сўзлаган нутқдан ҳамда 1995 йил пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда вилоят ҳокими М. Исломов сўзга чиқди.

## КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

***Навоий туманида вилоят шаҳар ва туманлари ҳокимларининг семинар-кенгаши бўлди. Уни вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров бошқарди.***

Семинар қатнашчилари Навоий тумани ҳокими М. Шамсиевнинг «туманга раҳбарлик қилиш услуби ва усули ҳақидаги» ҳисоботини тингладилар, туман ҳокимлиги ахборот-услубхонаси ва депутатлар қабулхонаси иш фаолияти билан танишдилар. Улар, шунингдек, Кармана шаҳридаги деҳқон бозори, Карманадаги сув ҳавзаси ва теннис кортининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 1 августда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.

Сотув ҳажми 21,86 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 31,20 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 4 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 23,11 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,18 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 50,00 |
| 10 Бельгия франки | 10,87 |
| 1 Голландия гульдени | 19,98 |
| 10 Греция драхми | 1,39 |
| 1 Дания кронаси | 5,77 |
| 1 АҚШ доллари | 31,20 |
| 1 Миср фунти | 9,19 |
| 1 Ирландия фунти | 51,25 |
| 1 Исландия кронаси | 0,50 |
| 10 Испания песети | 2,62 |
| 100 Италия лираси | 1,97 |
| 1 Канада доллари | 22,97 |
| 1 Қувайт динори | 103,90 |
| 100 Ливан фунти | 1,93 |
| 1 Германия маркаси | 22,39 |
| 1 Норвегия кронаси | 5,07 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,15 |
| 1 Сингапур доллари | 22,31 |
| 1000 Туркия лираси | 0,69 |
| 1 Финляндия маркаси | 7,44 |
| 4 Франция франки | 6,50 |
| 1 Швеция кронаси | 4,41 |
| 1 Швейцария франки | 27,06 |
| 1 ЭКЮ | 41,63 |
| 10 Япония иенаси | 3,44 |
| 1000 Россия рубли | 7,08 |
| 1 Эстония кронаси | 2,82 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,21 |
| 1 Латвия лати | 60,47 |
| 1 Литва лити | 7,80 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,54 |
| 1 Молдова лейи | 6,88 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,71 |

Марказий банк 1995 йил 4 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,20 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,20 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сузи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

## ШТАБ ЙИҒИЛИШИ

***Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш заводида штаб йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.***

Йиғилишда қурувчилар ўтган етти ой давомида 745 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаргани таъкидланди. Нефтчилар шаҳарчасида маданий-маиший иншоотлар ҳам жадал қурилмоқда. Бироқ, ҳамма ишларни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Масалан, «Ўзсувқурилиш» концерни, «Қаршиқурилиш» трести ўзларига бириктилган участкаларда ишни яхши ташкил этмаган, айрим объектлар лойиҳсини етказиб бериш чўзиб юборилмоқда. Йиғилишда ана шу камчиликларни тездан тугатиб, завод қурилишини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Бухоро вилояти хокими М. Раҳмонов қатнашди.

## КУНИГА 200 КИЛОГРАММДАН

***Беруний шаҳридаги гўшт комбинати очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, тайёр маҳсулот тури кўпайди.***

Куни кеча бу ерда Италия технологияси асосида ишлайдиган колбаса цехи очилди. Унда ҳар куни 200 килограмм маҳсулот тайёрланмоқда.

## ТАЛАБАЛАРГА ИМТИЁЗ

***Бухоро вилоятидаги олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳамда ҳунар-техника билим даргоҳларида ўқиётган 30 мингдан зиёд талаба шу йилнинг 1 августидан бошлаб шаҳарлараро йўналишларда қатнаш учун йўлкира ҳақининг 50 фоизи миқдорида чипта ола бошлади.***

Бу борадаги харажатларни «Бухоротранс» вилоят давлат ҳиссадорлик бирлашмаси даромади ҳисобидан қоплайдиган бўлди.

## БАЙРАМ ШАРАФИГА

***Бўка туманида ҳам мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.***

Байрам арафасида туманда 422 ўринли янги мактаб, деҳқон бозори, учта чойхона, иккита тегирмон, қирқдан кўпроқ хусусий дўкон ва бошқа иншоотлар ишга тушади. Эски бозорда ҳунармандчилик мажмуи барпо этилмоқда.

## «ХЎЖАИКОН» ЁРЛИҒИ БИЛАН

**Сурхондарё вилоятининг Хўжаикон туз комбинатида Американинг «Трейден Корпорешин» фирмаси тайёрлаган маҳсулотни халтачаларга жойлайдиган ускуна ўрнатилди. Энди йилига савдо тармоқларига «Хўжаикон» ёрлиғи ёпиштирилган 100 минг тонна ош тузи жўнатиш имконияти яралди.**



**СУРАТДА: ишчи Д. Алиёров.**

## ЯНГИ АЭРОПОРТ

***Аэропорт шаҳар дарвозаларидан бири ҳисобланади. Меҳмонларнинг қутлуғ қадами шу даргоҳдан бошланади.***

Унинг ташқи ва ички кўринишига қараб шу юрт ҳақида фикр юритилади. Андижонда қурилиши мустақиллик байрамига ниҳоясига етказиладиган аэропорт ҳам шундай иншоотлардан бўлади. Шарқона миллий услубда қад кўтараётган бу бинога мос фавворалар, гулу гулзорлар кўзни қувонтиради.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР

## • Ғалла мустақиллиги йўлида

**_Тайлоқ — Самарқанд вилоятининг энг кенжа тумани. Ташкил топганига энди тўрт йил бўлаяпти. Унинг ҳудуди нисбатан кичик бўлса-да, аммо мева ва сабзавот етиштириш, уларнинг ҳосилдорлиги бўйича республикадаги бу соҳага ихтисослашган йирик туманлар билан беллашишга қодир. Тайлоқликлар икки йилдирки, нафақат мева-сабзавот, балки дон етиштиришда ҳам ўзларини кўрсатишмоқда. Бу йил ҳам давлатга 7,5 минг тоннадан зиёд сара дон сотиб, вилоятда биринчилар қатори режани ортиғи билан уддаладлар. Бугун бу ерга тажриба ўрганганi Қашқадарё, Бухоро ва Тошкент вилоятининг айрим туманларидан ҳам вакиллар келишмоқда._**

# АГРОФИРМА САРА УРУҒЧИЛИККА АСОС СОЛДИ

**Бу ерда яратилган «Улуғбек 600» нави таркибида 17-18 фоиз оқсил, 3 фоиз лизин моддаси бор**

Бу муваффақиятнинг пойдевори 1993 йилнинг ёзида қўйилган эди. Туманда «Дон» агрофирмаси тузилди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти профессори Тўрақул Хўжақулов ва тумандаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги раиси Мусахон Тўраев бу ишнинг ташаббускори бўлишди.

Аслида бизда фан ва ишлаб чиқаришни бир-бирига боғлаш ҳақида кўп айтилади. Лекин гап амалиётга кўчганда эса...

Хуллас, Самарқанд вилоятидаги биринчи «Дон» агрофирмасига шу тариқа асос солинди. Хўжалик раиси Мусахон ака президент, Тўрақул Хўжақулов эса ўринбосар этиб тайинланди. Агрофирма унга аъзо бўлган хўжаликларни турли хил сара дон уруғи билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Иш бошлаган пайтлари унга йигирмадан зиёд хўжалик аъзо бўлди. Бугун эса уларнинг сони қирқтадан ошиб кетди.

Ўтган икки йилги натижалар нимани кўрсатаяпти? Масалан, Самарқанд вилоятининг ўзидан агрофирмага аъзо бўлган хўжаликларда дон ҳосилдорлиги мунтасил ошмоқда. Тайлоқ тумани бўйича ўтган йили ҳар гектар суғориладиган ердан ўртача 34 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 43 центнердан ҳам ошиб кетди. Ҳолбуки, туманда бундан икки-уч йил аввал гектаридан 25—26 центнердан ҳосил етиштирилганди. Бу йил туманнинг «Жумабозор» ижара хўжалиги ҳар гектар ердан 50 центнердан, Улуғбек номли, «Боғизоғон», Амир Темур номли хўжаликлари ялписига 45 центнердан ҳосил олишга эришдилар.

Улуғбек номли жамоа хўжалигининг Ширинбой Бердиев бошлиқ 4-бригадаси ғаллакорлари ҳосилдорликни 76 центнерга, Р. Ризқулов бошлиқ 5-бригада 75 центнерга етказишди.

— Бу ютуқлар агрофирманинг, қолаверса олимлар ва деҳқонларнинг ўзаро ҳамфикр бўлиб ишлаши шарофати, — дейди Мусахон Тўраев. — Одамларимиз энди ҳар йили сара уруғ олиш, агротехникага амал қилиш қандай натижалар беришини ўз кўзлари билан кўришаяпти. Агрофирманинг асосий базаси бўлган хўжалигимизда «суперэлита» уруғи экиладиган ерлар бир йилда беш гектардан 127 гектарга етказилди. Бу йил ана шу ерлардан беш юз тонна сара уруғлик олдик. Демак, келгуси йилда бу заҳира 2500 гектар майдонга экишга етади. Қолаверса, ғалладан бўшаган ерларга маккажўхори, ловия, мош ва картошка экиб, улардан ҳам юқори ҳосил оламиз. Ҳозир олимлар билан ҳамкорликда икки йилда беш марта ҳосил етиштириш устида ишлаяпмиз.

Албатта, агрофирма тузилиши, бу ерда иш қандай йўлга қўйилганлиги билан таниш бўлмаган кишига агрофирма ва унга аъзо хўжаликлар ўртасидаги муносабат тушунарсиз бўлиши мумкин. Тўғри, агрофирма ғалла уруғини текинга тарқатадиган хайрия фонди эмас. Унга аъзо бўлган ҳар бир хўжалик агрофирма олдида маълум масъулиятни ҳам зиммасига олади. Айтайлик, агротехника тадбирларига қатъий амал қилади, мўлжалдаги ҳосилни йиғиштиргач, берилган ёрдам учун даромаднинг бир қисмини унинг ҳисобига ўтказади. Лекин энг асосийси хўжалик мунтазам сифатли уруғ билан таъминланади. Бунинг устига жуда арзон нархда. Яна бу хўжаликларда экилган ерлар мутахассис-олимларнинг доимий назоратида бўлади. Агар уруғ сифатсизлиги туфайли белгиланган ҳосил олинмаса, агрофирма хўжаликка жарима тўлайди. Лекин ҳозирча ҳеч ким уруғнинг сифатсизлигидан нолигани йўқ.

— Умуман ғаллачилик тараққиёти учун энг аввало селекция, уруғчилик ва агротехника ишларини ривожлантириш керак, — дейди агрофирма вице-президенти, профессор Тўрақул Хўжақулов. — Бунингсиз юқори ҳосил олишга кафолат йўқ. Биз иқлимимиз, шароитимизга мос янги, серҳосил навлар етиштиришимиз лозим. Шу нарса маълумки, ҳар қандай нав ўша жойга, иқлимга мослашган бўлади. Агрофирманинг асосий мақсади ҳам ана шу йўналиш бўйича иш олиб бориш — янги нав, сара уруғ ҳисобига ҳосилдорликни ошириш. Буни Канада, Голландия мисолида кўриш мумкин.

Тўғри, ҳали янги нав яратиш йўлида муаммолар кўп.

Агрофирмамизнинг афзаллиги ҳам ана шу муаммоларни ўзимиз ҳал қилишга эришаётганимизда.

Бу ерда саккизта янги нав яратилган. Ҳолбуки, 1990 йилда битта янги нав яратишга давлат 852,1 минг сўм (ўша пайтдаги нарх бўйича) сарфлаган. Агрофирма эса, айтиш мумкинки, ана шу пулларни давлатга тежаб бераяпти.

Маълумки, ўзбек халқи азалдан тўйимли буғдой навларидан фойдаланган. Ҳозир республикамизда кўп экиладиган «Сетецеррос-66» навида 12-13 фоиз оқсил ва 2 фоиз лизин моддаси бор. Агрофирмада яратилган «Улуғбек-600» навида эса бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 17-18 ҳамда 3 фоизга етказилган.

Буғдойнинг асл ватани Ўрта Осиё. Шу сабабли қадим замонлардан ота-боболаримиз ерга фақат сара уруғларни танлаб сепишган. Халқимиз оқ буғдойни кўпроқ ёқтиради. Шу сабабли қадимдан бизда «Туя тиш» деб атайдиган нав унидан кўпроқ истеъмол қилишган. Агрофирмада «Жасур» нави «Туя тиш» билан Италиянинг қаттиқ буғдойини чатиштириш орқали яратилди. У гектаридан 50—55 центнергача ҳосил беради.

Биз бугун нега кўп жойларда мўлжалдагидан кам ҳосил олаяпмиз? Бунинг сабабини уруғчилик қандай йўлга қўйилганлигидан қидириш керак. Ғаллачиликда жуда юқори кўрсаткичларга эришаётган мамлакатлар бу ютуққа қандай эришаяптилар? Улар энг аввало ҳар йили уруғни янгилашади. Фақат шу иш туфайлигина беш центнер қўшимча ҳосил олиш мумкин экан. Бизда эса хўжаликларга уруғни дон маҳсулотлари комбинатлари беради. Ҳолбуки, бу ташкилотлар уруғчилик муаммоларидан йироқ. Қолаверса, улар ҳеч иш бажармай, донни арзон қабул қилиб, ўша хўжаликнинг ўзига қимматга сотади, холос. Агар сифатли ва янги уруғ сотса-ку майли эди-я.

Гапнинг сирасини айтганда, Тайлоқдаги «Дон» агрофирмаси туфайли Самарқанд вилоятида уруғчилик базаси яратилаяпти.

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## • Пахта-95

# ҲОСИЛ ЧЎҒИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

**Қашқадарё вилоят агросаноат уюшмаси раиси Миркомил Мираков билан суҳбат**



— Май ойининг учинчи ўн кунлиги бирмунча салқин келди. Бир неча кун сурункасига тунги ҳаво ҳарорати 10-11 даражани кўрсатиб турди. Ҳавонинг бу тахлитда совуши иссиқсевар экин-ғўза ривожига салбий таъсир қилди. Айрим жойларда шира тушиш хавфини туғдирди.

Мутахассис олимлар ғўзага шира тушиши унинг ҳосилдорлигига мутлақо таъсир ўтказмаслигини таъкидлашди. Аслида бундай эмас. Шира туфайли ғўза барги, унинг ўсиш нуқтаси зарарланади. Айрим ҳолларда ғўза барги тешилиб, ривожига путур етади.

Деҳқончилик саноати хизмати ходимлари, мутахассислар тажрибали деҳқонлар билан бамаслаҳат шира тушган ва шу зараркунанда хавфи бўлган майдонларда чопиқ тракторлари билан ғўзанинг илдиз қисмини юмшатишга, илдизларни қуёш ҳароратидан тўлиқ баҳраманд бўлишига асосий эътибор қаратилди.

Айрим туманларда ғўзанинг авжини тезлатиш мақсадида ҳатто, муддатидан анча олдин сув тарашга тўғри келди. Сувдан чиққан майдонлардан шира ариб, ғўзанинг ривожи анча олдинлаб кетди.

Шу кунгача вилоятдаги мавжуд 173 минг гектар майдон оби-тобида культивация қилинди. Ғўза парвариши борасида Қамаши тумани деҳқонлари амалга ошираётган тадбирлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Тумандаги «Қорабоғ» жамоа-ширкат хўжалигида маданий ўғитлар кам ажратилаётгани ҳисобга олиниб, далага кўпроқ маҳаллий ўғит чиқаришга эътибор қаратилаяпти.

Тумандаги «Чим», «Фарғона», «Ғиштли» жамоа-ширкат хўжаликларида ҳам қорабоғлик деҳқонларнинг тажрибаси кенг қўлланилмоқда.

Бу йил вилоятимизнинг Ғузор, Нишон, Деҳқонобод, Косон ва Қарши туманларининг экин майдонларида чигиртка тарқалиши хавфи юзага келди. Вақтида кўрилган тадбирлар туфайли бу офатнинг олди олинди.

**— Ўтган йилларга нисбатан кам миқдорда маъданли ўғитлар олинаётгани деҳқонлар ишини бироз бўлса-да мушкуллаштирмаяптими?**

— Ер унумдорлигини оширишда маъданли ўғитлар ниҳоятда зарур. Чунки маъданли ўғитлар етишмаган тупроқда унган дон пуч бўлади. Ғўза қад ростлаб ривожланиши мумкин, лекин, чигити пуч, пахта толаси заиф, узилувчан ривожланади.

Шунинг учун ҳам маъданли ўғитлар ер мадори ҳисобланади.

Тўғри, мутахассислар далаларга кўплаб маҳаллий ўғит — гўнг, қўй қийи солишни тавсия этадилар. Лекин ҳамма жойда ҳам бунинг тўлиқ имкони йўқ-да.

Ҳозирги кунда хўжаликларимиз Фарғона ва Чирчиқдаги корхоналардан маъданли ўғитлар олаётганлари ҳолда вилоятимизга туташ, масофаси бир неча баравар яқин бўлган Навоий шаҳридаги кимё комбинатидан берилиши лозим бўлган қарийб 30 минг тонна маъданли ўғитларни ҳануз ололганимиз йўқ.

Агротехник қоидаларга кўра, ғўзани йиллик ўғит нормаси билан биринчи ва иккинчи сув тараш жараёнида озиқлантириш катта самара беради. Лекин кўриб турганингиздек, маъданли ўғитларнинг етишмаслиги бунга монелик қилиб турипти.

**— Ғалла экинлари ҳисобига пахта майдонлари қарийб 10 минг гектарга камайтирилди. Бу пахта ялпи ҳосилининг озайишидан дарак бермайдими?**

— Тўғри, пахта пайкаллари анчага камайтирилди. Лекин, у асосий деҳқончилигимиз бўлиб қолади. Чунки, пахта иқтисодиётимизнинг асосини ташкил этади-да. Ўтган йили қарийб 430 минг тонна пахта етиштиргандик. Бу йил ҳам ана шу кўрсаткични сақлаб қоламиз.

**— Қандай омиллар эвазига ялпи ҳосил сақлаб қолинади?**

— Алмашлаб экиш ҳисобига. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил миқдорини 4-5 центнерга кўтаришни мўлжаллаб турибмиз.

Бу йил баҳорда алмашлаб экиш схемасига кирган, илгари ғалла, беда, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган қарийб 30 минг гектар майдонга чигит экилди. Ҳозир ана шу майдонларда ғўза авжи баландлиги билан ажралиб турибди. Ушбу майдонлардан кўзланган ҳосилни олишга ишончимиз комил. Қолган майдонларда ҳам ғўза парваришини сифатли ўтказилади.

**Пўлат ГОДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





***Янгиқўрғон туманидаги «Оқтом» жамоа хўжалиги асаларичилик бригадаси бошлиғи Абдукамол Воҳисов ўз касбининг усталаридан. Айни кунда Қирғизистон Республикасининг Подшо ота тоғ ёнбағрларида асаларилари парвариш қилаётган А.Воҳисов бошлиқ бригада бў йил 15 тонна шифобахш асал тайёрлашни режалаштирган.***

***СУРАТДА: Абдукамол Воҳисов.***

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

### ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Хива туманидаги «Сўғдиёна» хусусий корхонасида ип-калава чиқарадиган дастгоҳлар ўрнатилди.

Янгича технология асосида тайёрланадиган бу ип-калавадан иссиқ одеяллар тўқилади.

## • Қаловини топса



# «ТЕЛЕФОН ҚИЛИШДАН БОРИБ КЕЛИШ ОСОН»

**Ҳозирча кўпчиликни қийнаётган бу муаммонинг ечими топилди**

**_Гапнинг сирасини айтганда, биз техника мўъжизалари замонида яшаяпмиз. Олайлик, алоқа воситалари орқали Тошкентнинг дарахтлар қуюқ соя ташлаган кўчаларидаги исталган хонадонда туриб АҚШ конгресс кутубхонаси билан алоқа боғлаш ва хоҳлаган китобнинг хоҳлаган бетидан ўз дисплейимизга кўчирма олишимиз ёки Париждаги «Максиме» кафесидаги кечки овқатлар тартиби билан танишишимиз ёхуд Японияning Хоккайдо ороли маҳаллий пароминининг иш режимини билишимиз мумкин. Ҳозирча эса..._**

Кейинги йилларда ҳар томонлама ривожланаётган халқаро иқтисодий алоқалар мамлакатимиз халқ хўжалигида жаҳон иқтисодиёти ютуқларини кенг жорий этиш имконини бермоқда. Жумладан, Германиянинг «Сименс-Никсдорф» фирмаси билан ҳамкорликдан салмоқли натижалар кутилмоқда. Айни пайтда мазкур фирманинг бир йиллик иш ҳажми 85 миллиард немис маркасини ташкил этиб, жаҳон компьютер бозорида энг олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Яқинда фирманинг маҳсулот сотиш бўйича директори Ян-Хендрик Бухман республикамизга ташриф буюрди. Визитдан кутилган мақсад «Сименс»нинг жами фаолияти доирасида маҳаллий фирмалар билан узоқ муддатли ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлаш юзасидан, шунингдек, маҳсулот айрибошлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда ахборот технологиясининг энг сўнгги ютуқлари даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича келишувларга эришиш эди.

Айни пайтда Тошкентда «Сименс»нинг ваколатхонаси ишлаб турибди. Ўтказилган амалий семинар давомида Германиядан ташриф буюрган менеджерлар ўз ҳамкорлари билан яқиндан танишдилар. Тошкентнинг компьютерлар ишлаб чиқарадиган саккиз фирмаси биргаликда семинар ўтказиш учун махсус таклиф этилдилар. Улардан 4-5 таси ҳозирча Ўзбекистон, кейинчалик Марказий Осиё бозорларида Германия концерни билан ҳамкорликда ишлайдилар. Уларга «Сименс» ҳамкори деган махсус ишлаб чиқариш белгиси — реклама аломати берилади. Бундай даражадаги ҳамкорликни немис фирмаси МДҲ давлатларидан фақат Украина билан йўлга қўйган эди. Марказий Осиёда эса унинг биринчи ҳамкори Ўзбекистон бўлди.

«Сименс — Никсдорф» раҳбарлари азму-қарори билан ишлар бошланиб кетди. Германиялик мутахассислар «Фотон», «Алгоритм» каби корхоналаримизда бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари билан танишадилар ва уларнинг технологияларини ўз мамлакатлари даражасига етказишга эришадилар.

Дунёга сифати ва аниқлиги билан машҳур немис компьютерлари ва бошқа электрон тармоқларидан республика Давлат солиқ қўмитасида, Молия вазирлиги идораларида қўллanila бошланганига анча бўлди. Ускуналарнинг мукаммаллиги мамлакатимиз Божхона бошқармаси учун ҳам яна қўшимча компьютерларга буюртма беришга имкон яратди.

Албатта, ҳамкорликда амалга оширилиши мўлжалланган ишлар дастури анча тиғиз. Дастлабки қадамлар эса қўйилди. Айни пайтда «Сименс» фирмаси Европа — Осиё қитъалараро алоқа кабелининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисмини ўрнатишда иштирок этаяпти. Шундай қилиб, Американинг исталган шаҳрида маълум вақтда ҳаво ҳароратини билиб олиш ёки бошқа яшин тезлигидаги ахборотларга эга бўлиш даври узоқ эмас.

**Ҳ. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


"МУСТАҚИЛЛИК" ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



*Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.*

**Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.**

Лотерея билетларини Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан, ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

**Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.**

Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимидан, ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин

33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ | МАРКАЗИЙ БАНК | ЖАМҒАРМА БАНК | АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКСАВДО | ЎЗБЕКБИРЛАШУВ



Company
National Electronics, Inc.
America

